

Шайх ҳазратнинг сурдотаржимони Рустам Бердиев билан суҳбат



19:00 / 19.05.2020 2214


Бу йигитни ҳар саҳарлик ва ифторликда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан биргаликда кўряпмиз ва самимий имо-ишораларини кузатяпмиз. Айниқса, болалар унинг ҳаракатларидан жуда завқланяптилар. Қисқа муддат ичида ҳар бир хонадон аъзосидек бўлиб қолган сурдотаржимон Рустам Бердиев билан Kun.uz сайти суҳбат уюштирди.

- Рустамжон, хуш келибсиз. Аввало ўзингизни таништирсангиз ва сурдотаржимонлик соҳасида ишлашингизга нима туртки бўлганини сўзлаб берсангиз.

- Ассалому алайкум. Таклиф қилганларингиз учун раҳмат. Мен аслида соҳам бўйича футбол мураббийиман, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугатганман. 28 ёшдаман, оилам, бир ўғлим ва бир қизим бор.

Сурдотаржимонликни бошлашим ҳаётимдаги катта бурилишлардан бири бўлди, дея оламан. Маълумки, юртимизда минглаб кар-соқов инсонлар бор. Улар Ислом маърифатидан бебаҳра қолмаслиги кераклиги аллақачон англаб етилган ва бу бўйича қатор дастурлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, пойтахтнинг йирик масжидларида имомлар ёнида сурдотаржимонлар ишлашмоқда ва жума маъвизаларини тўғридан-тўғри таржима қилиш йўлга қўйилган. Мана шу жараёнларга оз бўлса-да ҳиссамни қўшай деб шу соҳада ишляяпман.

Image not found or type unknown



- Шайх ҳазратнинг маърузаларини таржима қилиш лойиҳаси қандай туғилган?

- Ҳазратнинг маънавий мероси шу қадар улканки, ҳали кўпчилик авлодлар ўрганиб, баҳра олишлари учун етарли. Диний қўмита ва Ўзбекистон Муслмонлар идораси ташаббуси билан Рамазон кунларида шайхимизнинг маърузаларидан иборат мана шундай лойиҳа халқимизга тақдим этилаётгани, шунда сурдотаржимон сифатида иштирок этишга таклиф этишганида жуда хурсандчилик билан розилик бердим.

Агар камтарона меҳнатим оз бўлса-да маъқул бўлган бўлса, шу савобли ишларга бош қўшиб қолган бўлсам бахтлиман, албатта.

- Бу лойиҳа қанча вақт олдин тайёрлаб қўйилган, фақат бу йилги рамазонга мўлжалланган 30 кунлик дастурларми ёки келгусида ҳам давом эттирилиши режалаштирилганми?

- Юқорида айтганимдай, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг турли йилларда турли йилларда қилган маърузалари мавжуд. Мен фақат бу йил тақдим этилган маърузалардан бохабарман, улар рамазондан олдин тўлиқ тайёрлаб қўйилганди.

Борди-ю келгусида ҳам шундай режалар бўлса ҳамда менинг хизматимга эҳтиёж сезсалар, бажонидил рози бўламан.

- Мухлисларингиздан бири шундай мактуб йўллабди: «Бир ой Рамазонда шу йигит бизга қадрдон бўлиб қолди. Ин шаа Аллоҳ, Тошкентга борсам, шу йигитни топиб, бир имо-ишоралашаман. Кўп нарсани билиб олдим. Юзингни сийпаласанг муслмон дегани, бармоғингни лабингга боссанг Рамазон дегани экан. Ҳазрат арабча дуо қилаётганда «жим туриб», дуо қилишлари бирам ярашади. Биз Қуръон ўқиётганида ҳам жим туришни билмаслигимиздан уялиб кетаман...».

Юз сийпаланса, муслмон дегани; бармоқ лабга босилса, Рамазон дегани, тўғрими?


- Эътибор берганлари, қизиқиб кузатиб, анча-мунча сўзларни тушуниб олганлари учун катта раҳмат. Бизни йўқлаб келганларни Аллоҳ йўқласин. Имо-ишораларни асосан тўғри англабдилар, ўрганмоқчи бўлган инсон ана шундай эътибор қилса, кунт билан кузатса, албатта ўзлаштириб олади. Ўзбекистон имо-ишора тили МДХ давлатлариники билан бир хил.

Фурсатдан фойдаланиб, фикримни, таклифимни айтиб ўтмоқчи эдим. Юртимизда тақдим этилаётган асосий теледастурлар, машҳур сериаллар сурдотаржима билан берилиши керак. Ахир кар-соқов юртдошларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз дуруст бўлмайди. Ривожланган давлатларни кузатсак, бирор янгилик дастури сурдотаржимасиз эфирга берилмайди.

- Билишимизча, кар-соқовлар бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи ҳам бўлган экансиз. Шу фаолиятингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

- Тўғри, бу борада ютуқларимиз ҳам бор. 2017 йилда Таиланднинг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган U-18 ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллаганмиз.

Image not found or type unknown



Айни пайтда 101-махсус мактаб интернатда ва Мирзо Улуғбек тумани БЎСМда мураббийлик фаолиятини давом эттирмоқдаман.

- Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Манба: kun.uz

Аброр Зоҳидов суҳбатлашди.